

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги  
Давлат ва жамият курилиши ақадемияси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси  
қошидаги Фан ва технологиялар маркази

Ўзбекистон Фанлар Академияси И.М.Мўминов  
номидаги Фалсафа ва хукуқ институти

«ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ ВА ИСЛОҲ ЭТИШ» РУКНИ

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР



«Akademiya» нашриёти

«Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти»

Тошкент 2005

Матн муаллифлари:  
С.Жўраев, Т.Жўраев, Р.Нуримбетов,  
Ш.Пахрутдинов, Ф.Мухиддинов,  
С.Убайдуллаева, Н.Қосимова

Ушбу рисола Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшима мажлисидағи “Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” номли маъруzasи асосида тайёрланган. Унда Ўзбекистоннинг Бирлаштан Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли ташкилотлар, халқаро молия ва иқтисодий тузилмалари, Мустакил Ҳамдўстлик давлатлари билан иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий ҳамда маданий алоқаларининг истиқболлари таҳдил этилган.

Кенг китобхонлар омисига мўлжалланган ушбу рисола тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни кўйидаги маңзилга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳдӯчуси, 45-уй. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси.

© «Akademiya» нашриёти, 2005

«Ўзбекистон Файласуфлари  
миллий жамияти нашриёти», 2005

## Кириш

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Конунчиллик палатаси ва Сенатининг кўшима мажлисида сўзлаган маъруzasида мустақилликка эришганимиздан бери ўтган тарихан қисқа давр ичида мамлакатимииз дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин згаллагани, кўплаб давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилгани, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсида обрў-эътибори ортиб бораёттанига алоҳида ургу берилган эди. Бу ѡдол давлатимизнинг халқаро майдонда олиб бораётган изчил, ҳар томонлама пухта ўйланган ташкисиёсати билан боғлиқдир.

Жумладан, Ўзбекистоннинг энг нуфузли халқаро ташкилот — БМТ билан кең миқёсдаги ҳамкорлик алоқалари йилдан-йилга ривожланниб бормоқда. Албатта, бундай самарали алоқаларнинг шаклланишида мазкур ташкилотнинг Тошкентдаги ваколатхонаси, БМТ қошидаги ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ва бошқа ташкилотларнинг мамлакатимииздаги ваколатхоналарининг фаолияти мухим ўрии тутади. Таъкидлап жойзки, Ўзбекистоннинг бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар, Халқаро Валюта жамгармаси, Жаҳон банки, Халқаро Молиявий корпорация ва бир талай обрўли молиявий тузилмалар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқалари ҳам жадал ривожланниб бормоқда. Мазкур рисолада ана шу ҳамкорлик натижалари, уни ишада та-комиллаштириш тамойиллари ва устувор йўналишлари хакида сўз боради.

# Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билин ҳамкорлигини ривожлантириши

Ўзбекистон ташкиси сиёсат соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришига алоҳида эътибор қаратади.

Ислом КАРИМОВ

Бугунги кунда ҳалқаро ташкилотлар геополитик жараёнларнинг кечишинга тобора кўпроқ таъсир ўтказмокда, улар ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг тўла ҳукуқли иштирокчиларига айлангани фикримизга далиллар.

Дастлабки сиёсий ҳалқаро ташкилотларга 1919 йилда Миллатлар Лигасининг ташкил этилиши билан асос солинган эди. Янги жаҳон урушининг олдини олиш учун ташкил этилган Миллатлар Лигаси, афсуски мувваффакиятсизликка учради.

Миллатлар Лигаси тажрибаси БМТнинг шаклланишига яқиндан ёрдам берди. Кўплаб эксперталар фикрича; БМТнинг ташкилий тузилмаси нисбатан мукаммал эди. Вақти келиб БМТнинг Низоми ҳалқаро миқёсда тинчлик ва хавфсизликни саклаш, геосиёсат соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришнинг янада унумли куролига айланди.

БМТ ва бошқа ҳалқаро ташкилотлар фаолияти уларнинг ютуқ ва камчиликларини маълум даражада олдиндан белгилаб берган ўзига хос ҳалқаро мухитда кечди. 1945-1990 йилларда ҳалқаро муносабатлар Фарб ва Шарқ ўртасидаги «совуқ уруши» сиёсатининг устуворлиги шароитида, иккинчи томондан эса қолоқ ва қашшоқ Жануб ўртасида тобора авж олиб бораётган зиддият таъсирида шаклланди. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳалқаро ташкилотлар фаолияти доираси нисбатан чекланган тузилма саналади. Зоро, геосиёсий жараёнлар уларнинг фаолиятига таъсир кўрсатади. Шу боисдан ҳам қандай ҳалқаро тузилма ушбу

жараёнларнинг аксигина ҳисобланади, холос. Нисбатан кисқа эволюцион йўлни босиб ўтган халқаро ташкилотлар XXI асрга умумжаҳон геосиёсий жараёнларнинг тўла хукуқли иштирокчилари сифатида кириб келдилар.

БМТ фаолият кўрсата бошлиган йили унга аъзо бўлган давлатлар сони 51 тани ташкил этган бўлса, хозир 191 тага етди 2002 йилда Швейцария ва Шарқий Тимор ташкилотнинг энг кенжак аъзоларига айланниши. Таъкидланш жоизки, БМТга аъзо бўлиб кириш давлат мустақиллигининг эътироф этилишини англатувчи омиллардан бирига айланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бутун инсониятни ҳийнаётган муаммоларга ечим излайдитан ўзига хос марказдир. Бу борадаги фаолият БМТ ва унинг тизимидағи ўттиздан зиёд ташкилотнинг биргаликдаги ҳаракатлари асосида амалга оширилади. Жумладан, сўнгти йилларда инсон хукуклари, атроф-мухит мухофазаси, ўта хавфли касалликларга карши кураш, қапишоликни тутатиш каби муаммолар мунтазам мухокама қилинмоқда. БМТ муассасалари ҳаво йўлларида фойдаланишининг бехатар ва самарали меъёр ва қонидаларини ишлаб чиқади, телекоммуникациялар ривожига кўмаклашади, истеъмолчилар хукукини ҳимоялайди. БМТ турли регионларда наркотик моддаларнинг тарқатилиши ва террорчilikка карши уқоптириладиган халқаро операцияларнинг ташаббускоридир. Шунингдек, дунёning турли бурчакларида фаолият юритиб, кочқинларга ёрдам кўрсатади, миналардан тозалаш дастурларини баҷаради, озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтиришга карашиб, ОИТСга карши курашни мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон ҳам 1992 йилнинг 2 марта БМТ аъзосидир. Ватанимиз тарихи, жалонимиз хаётида мухим воқеа бўлган шу кундан бошлиб Ўзбекистон байроби мазкур ташкилотнинг бош қароргоҳи узра ҳудудираб турибди.

✓ Ўзбекистон ва БМТ уртасида кеңт миқёсдаги ҳамкорлик алоқалари йўлга кўйилган. Бундай фаол ва илмик муносабатнинг шаклнанишида БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси мухим роль ўйнамоқда. Айни пайтда, ушбу ваколатхона қошида ўнга яқин агентлик фаолият кўрсат-

мокда. Уларнинг ҳар бири узок муддатта мўлжалланган ўз дастурларига эга.

✓ ЮНЕСКОнинг Ўзбекистонда таълим, фан, маданият соҳаларида олиб бораётган ишлари жамоатчилик эътиборида турибди Республикаиздаги бир неча олий ўкув юртларида ЮНЕСКОнинг кафедралари мавжуд. Уларнинг фаолияти миллий қадрияларимизни тиклаш, тарихий обидалар, маданий ёдгорликларни асраб-авайлан ва кела-жак авлодга етказишга қаратилган. Кадимий Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари эса ЮНЕСКОнинг “Жаҳон маданий мероси дурдонлари” рўйхатига киритилган.

Мамлакатимиздаги оналар ва болалар соғлигини саклашда ЮНИСЕФнинг ҳам сезиларни ўрни бор. Марказий Осиё ҳалқларида, асосан, аёлларда кўп учрайдиган камкорлик, болалардаги полиомелит касалликларига айнаи машишу агентлик кўмагида олиб борилаётган тадбирлар туфайли барҳам берилмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам БМТга аъзолик биланги-на киғояланиб қолаёттани йўқ. Катор глобал муаммоларни ҳал этиши билан боғлиқ тақлиф ва ташаббуслар халқаро ҳамжамоъят томонидан кузини кўллаб-куватлангани барчага маълум. Мамлакатимиз Президентининг БМТ Бон ассамблейсининг 48 ва 50-сессияларида сұзлаган нутқларидан кўтарилтан масалалариниң ўта даражада аҳамиятли эканлиги дунё ҳамжамиятти томонидан эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбарининг минтақа хавфсизлиги, айниқса, Афғонистон муаммосини ҳал этишидаги тақлиф ва ташаббуслари БМТ шафелигига “6+2” гурухининг ташкил этилишига асос бўлди. БМТнинг 1999 йил Тошкентда бўлиб ўтган йигилишида эса Афғонистондаги ўзаро мухолифчи томонлар илк бор бир стол атрофига тўпланишиди. Мазкур йигин якунида БМТ Бон ассамблейсида қабул қилинган “Афғонистондаги зиддиютни тинч йўл билан ҳал этилиши”нинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент декларациясига узок муддатта мўлжалланган сиёсий хужжат мақомини берди.

Президент Ислом Каримовнинг БМТ “Мингйиллик сам-

мити”да сўзлаган нутқи халқаро ҳамжамият томонидан кизғиң кўллаб-кувватланди. Зеро, унда долзарб миллий ва дунёвий муаммолар очиб берилиши билан бирга, яна янги ташаббуслар ўргага ташланди.

Юқорида тилга олинган мисоллардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлиги кенг миқёсда ривожланиб, тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

БМТ Бош ассамблеяси халқаро тизимда БМТ бажара-ётган вазифаларга нисбатан турли фикрлар мавжуд:

- БМТ куролли тўқнашувларнинг олдини олиш ва халқаро можаро ва келишмовчиларни тинч йўл билан ҳал этиш борасида ўз вазифаларини анҷадан буён уддалаб келмоқда;

Хозирча БМТга муқобил ҳеч қандай ташкилот йўқ, Бош-қача айттанди, минтақавий ташкилотлар алоҳида минтақалар манфаатини ифода этмоқдалар. Улар кўшинча мутлақро қарама-қарши бўлади, шу бойсдан ҳам бутунжаҳон ташкилотисиз вужудга келадиган тўқнашувларни ҳал этишининг умумий қонунлари ва йўлларини ишлаб чиқишнинг асло иложи йўқ, Борди-ю, бирон худудда инсон хукукларига таҳдид пайдо бўлса (геноцид ва қаталон), БМТ аъзолари ички тўқнашувга аралашиш хукукига эга бўлади. Шундай қилиб, БМТ фаолияти негизидаги мақсад ва вазифалар хаётий зарурият эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Ташкилот аъзоларининг тенглиги, улар томонидан зими-маларига олинган мажбуриятларни ҳалоллик билан адо этиш, зиддиятли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, ҳар қандай давлатта қарши таҳдид қилиш ва куч ишлат-маслих БМТнинг энг муҳим принциплари хисобланади.

БМТ низомида ташкилот аъзолари учун тинчликсевар сиёсатта нисбатан таҳдиднинг олдини олиш, тажовузкорлик хуружини даф этиш учун «коллектив тарзда самарали чора-тадбирлар кўриши», шунингдек, халқаро миқёсдаги можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш восита ларини ишга солиб, адолат ва халқаро хукук принципларига риоя килтан ҳолда ҳал этиш кўзда тутилган. Халқаро муносабатларнинг хукукий асосда ривожланиши учун замин сифатида БМТ Низомида халқларнинг тенг хукуқлилиги ва ўз тақдирини

Ўзи белгилаш принципи қайд этилган. Низомда яна тинчлик ва хавфсизликка таҳдид мавжуд бўлган ҳолда ва агар бошқа барча воситалар самара бермаган тақдирда БМТ кучлари томонидан мужбурий ҳарбий аралашув зарурати белгилаб қўйилган. Бироқ бу омиллар давлатнинг факат ички ишларига тааллуқли бўлиб, на халқаро хавфсизликка, на мазкур давлатнинг тинч аҳолиси ҳаёти ва хукуқларига таҳдид солувчи вазиятларга уларнинг даҳли йўқ.

Низомда мавжуд барча мажбуриятларни зиммасига оладиган ва Ташкилотнинг фикрига кўра, уларни бажара-диган барча тинчликпарвар давлатлар БМТга аъзо бўла оладилар. Бу мажбуриятлар тинч вақтда ҳам, низоли вазиятларда ҳам халқаро майдондаги давлатлар ўзаро ҳамкорлигининг ҳар қандай кўринишига даҳл эттан ҳолда, муайян вазиятларда давлатларнинг феъл-атвор қоидаларига ҳам тааллуқли бўлади. БМТнинг олтига асосий органи мавжуд бўлиб, булар: Бон Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иктиносий ва Ижтимоий Кенгаш, ОПЕК бўйича Кенгаш, Халқаро суд ва Котибиятдан иборат. Уларнинг вақо-латлари, вазифалари ва фаолияти халқаро ташкилот ва колатига кирувчи барча масалаларни ўз ичига олади. БМТнинг келажаги унинг тизимини янада самаралироқ таъминлаш учун ёки халқаро сиёсий маданиятни ўрнатиш учун қандай чора-тадбирлар кўришига боғлиқ.

Халқаро ташкилотлар аҳамиятининг ошиши турли мажароларни ҳал этиш, ҳарбий тўқнашувларнинг олдини олишида давлатлар учун муайян кафолатлар яратади. Халқаро ташкилотларнинг мавжудлиги, янгилирининг ташкил этилиши эса кенг имкониятлар эшлигини очади, бутун инсониятни яқинлаштиради ва цивилизациянинг бундан-да тез суръатларда ривожланишига имкон яратади.

Хукуматлараро ташкилотлар ҳамкорлиги турли давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қарор тоғтириш ва вужудга келаётган муаммоларни самарали ҳал этиш механизмларининг аҳамиятини янада терароқ тушунишига ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, давлатларнинг ички ва ташки сиёсати яқинлашувига олиб келади.

## **Хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистоннинг НАТО ва ЕХХТ билан ҳамкорлиги**

Республикамиз Президенти Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг кўпма мажлисида сўзлаган маърузасида «мустақилликка эришганимиздан бери ўттан тарихан қисқа давр ичидагимиздаги ҳамжамиятида ўзининг муносаб ўрини эгаллаганлигига»<sup>1</sup> алоҳида ургу берган эди. Бу, биринчи навбатда халқаро сиёсий майдонда олиб борилаётган ҳар томонлама пухта ишланган ташки сиёсатимиз билан боғлиқдир.

Одатда, ҳар бир давлатнинг ташки сиёсати янгилини даврни билан боғлиқ радикал ўзгаришларни бошидан кечиради. Зотан, милят тақдирни учун мухим манбаатларни таъминлаш кўп жиҳатдан ташки сиёсат негизида ётган принципларга, унинг устувор йўналишлари нималарга асосланганлигига боғлиқ бўлади.

Давлатимиз раҳбари миллий хавфсизлигини таъминлашнинг бирдан бир йўли кўп томонлама прагматик ҳамкорлик сиёсатига амал килишдан иборат, деб таъкидлаганди. Ўтган даврдаги ҳаётий тажрибаларимиз бу йўлнинг самарали эканлигини исботлади. Ҳамкорлик асосида хавфсизликни таъминлаш яхси нечоғлиқ мураккаб бўлмасин унга оғишмай катъият билан риоя этиш борасида бугун Ўзбекистон кўплаб давлатлар учун намуна бўлиши мумкин десак, муболага бўлмайди.

Давлатимиз хавфсизликни таъминлаш борасида барча халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан кўп томонлама ҳамкорлик килишнинг афзалликларидан унумли фойдаланишга астойдил интилмоқда. Бу жиҳат унинг бутун дуне миқёсидаги сиёсий жараёнларга жиддий таъсир кўрсатишга кодир бўлган Шимолий Атлантика Шартномасини имзолаган давлатлар иттифоқи ҳамда Евropa Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотлари билан ўзаро тенгликка асосланган ҳамкорлик йўлини танлаганлигига яққол кўринмоқда.

Ҳамкорлик ришиглари ўрнатиладиган шериклар кўр-кўро на эмас, балки ўзаро манбаатдорлик асосида танланниб, реал ва эҳтимолий шерикларнинг амалдаги стратегияси ва ду-

смёсатига таъсир кўрсата олиш даражаси чукур таҳдил этилди. Зотан, ўёки бу давлатнинг ташки смёсий фаолияти ва унинг устувор йўналишлари жамиятнинг барча қатлам вакиллари ва қолаверса, ҳар бир фуқаро томонидан мумкин қадар чукур англаб етилсагина асос ва истикболга эга бўлади. Юртбушимизнинг бу борадаги сайд-харакатлари ва ташабbusлари га нисбатан бугун умумхалқ консенсусга келинди десак тўри бўлади. Матъумки, ташки смёсатда хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлаш борасидаги амалга оширилаётган устувор вазифалар замон талабларига мос келар экан, ижтимоий-тараққиётда муайян силжипларни юзага келтириши аниқ. Шунга асосланниб, Президентимиз Кўпіма Мажлисида 2005 йул ва ундан кейинги даврларда янги ўзгаришлар рўй берини ва ундан максимал натиска кутилаётганлигини иштирокчилар ва ҳалқимизга яна бир эслатдилар. Президентимиз Европа йўналиши бундан кейин ҳам асосий йул бўлиб қолишини инобатта олиб, «Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи ва НАТО каби тузумалар билан юрганинда демократик ва бозор ислохотларини чукурлаштириш, мамлакатнинда на укуман минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳамкорликни мустахкамланган манбафтдор»<sup>2</sup> эканлигининг га алоҳида ургу берди.

Масалани чукур ва атрофлича идрок қилиш учун ушбу минтақанинг бугунги ҳолатига муносабат билдиришдан бошласак Мустақилликнинг биринчи кунларидан зътиборан давлатимиз миллий манфаатлари стратегияси ва тизимида “Трансатлантика Иттифоқи” давлатлари мухим ўринни эгаллашди. Стратегик устуворлик сифатида бу йўналиш бундан кейин ҳам ташки смёсий ва иқтисодий фаолият ҳамда хавфсизликни таъминлашда асосий аҳамият касб этаверади.

Ушбу суперминтақага йўналтирилган смёсатимизда глобал жараёнлар билан бир қаторда, у ерда жойлашган мамлакатларга хос бўлган мухим хусусий жиҳатларни инобатга олиш бугун, ва айниқса, келажакда мухим натисжалар келтиради. Масалан, бошқа минтақавий ёки минтақалар аро тизимлар яхлитликлардан тубдан фарқ қилиб,

“Трансатлантика Иттифоки” аъзолари: а) ташки ва ички сиёсатлари йўналишларини мувофиқлаштириш; б) умумий хавфсизликни таъминлашда катъий келишувга эришиш; в) умумий манфаатларига зид бўлган мозкароларга нисбатан бир хил ечимга келиш сингари ҳозирча энг мурракаб муаммолар борасида сиёсий консенсусга эришдилар, десак асосли бўлади.

Европада ривожланган давлатлар ўргасида шакланган янгича ва алоҳида ўзаро муносбатлар, шунингдек, ташки сиёсий фаолият ва умумий хавфсизлик бўйича ўзаро бурч ва мажбуриятта нисбатан жиддий муносабат Ўзбекистонга улар билан алоҳаларни мустаҳкамлаши учун имкониятлар кўламини оширади. Бу ерда биз барча мамлакатларга “Трансатлантика Иттифоки”нинг сиёсий, иктисолий ва колаверса, маданий-мағкуравий таъсири, бошқача килиб айтиш жоиз бўлса, унинг таъсир кучининг деярли умумсайёрәзайлик касб этиб турганлигини эътиборга олаётимиз.

Табиийки, у бу марра осонлик билан кўлга киритилган замас. Айнан XXI асрга келиб, улар ҳамкорликнинг тарихий, этник-миллий, маданий, привилегацион асосларини англап, бутун инсониятта хавф солиб турган таҳдидларнинг олдини олиш борасида манфаатлар муштараклиги, умумийтигини сархисоб килиш борасида зарур куч-кудрат, интеллектуал ва сиёсий-маданий салоҳиятта эга эканлигини исботлашди. Улкан маконда мавжуд геомаданий, геотарихий, геосиқтисодий ҳамда геосиёсий яхлитлик кулайликлар, шарт-шароитлар ва имкониятлардан максимал ва маърифий фойдаланиш борасида минтака давлатлари бошқалардан кўра, анча илгарилаб кетишди дейиш учун асос етарли. Асрлар давомида шакланган чукур ботиний яхлитликдан самарали фойдаланиш, ўз наебатида, сиёсий ва иктисолий ҳамжихатлик учун шарт-шароит яратса олди. Орамиздан анча илгари яшаган Геродотдек алломага ҳам сароб бўлиб кўринган Европа юқоридаги ўзгаришлар орқали дунёнинг энг бадалат ва анча осойишта маконига айланди.

Бутунги босқичда Европани қандайдир маданий-маъ-

навий, ҳам психологияк яхлитлик сифатида зътироф этиш билан бирга, уни сиёсий яхлитлик деб тан олишга ҳам барча асослар етарли Европа умумий жиспештирувчи гояга айланди. Шу боис, ушбу минтақа давлатларига хос бўлган, жумладан, «миллий манфаатлар», «манфаатлар баланси», «давлат суверенитети» ва «туташ манфаатлар» сингари сиёсий-хукукий тушунчча ва принципларнинг янгича талқин қилиниши Ер куррасидаги бошқа минтақа ҳамда давлатлар учун ҳам ибратлидир.

Дунёнинг турли минтақаларида тобора авжига чиқаётган худудий чегара можаролари, бирита нисбатан иккинчлиниң ҳакамлика интилиши ва бир-бирини кавлаштириши амалиёти билан боғлиқ салбий жараёнлардан чиқиб, Транспорттика тизимини киесан олиб қарайдиган бўлсақ, унинг XXI асрга қаратилган маърифий ва демократик жараёнлар маконига айланадиганлигини тан олмасликнинг иложи йўқ.

Албатта, юкорида келтирилган улкан жараёнлар билан бирга, минтақа давлатларининг ўзаро муносабатларида ҳам муаммолар йўқ деб айтуб бўлмайди.

Биринчи навбатда, бу аъзо давлатларнинг суверенитети, у ёки бу масалага ёндашувада миллий манфаатлар устуворлигидан келиб чиқиш мажбурияти, шериклик доирасида уларнинг тенг хукуклиги ва бир-бира таъсир қилишнинг хукукий ва маънавий таъмийларига риоя қилиш билан боғлиқ қийингчиликларга бориб тақалади. Фикрнинг исботи учун НАТОга аъзо давлатларда Ирок муаммосининг ечимига нисбатан консенсуснинг йўқлигини айтиш мумкин. Аммо тизим сифатида унда «тизимни заифлаштирувчи» жараёнларга нисбатан “тизимни барқарорлаштирувчи” тенденциялар яққол устувор эканлигини бугун ҳеч ким инкор этолмайди.

Хусусан, Европа, НАТО ҳакида сўз юритар эканмиз, унинг ўтмиши билан боғлиқ муаммога дуч келамиз. Шундай экан, бугун минтақадаги барча етакчи давлатлар ва миллатлар, шунингдек зиёлилар ўз тарихига танқидий ёндашган ҳолда бу йўлда жиҳдий сабоқлар чиқараётганлиги, керак бўлса хавфсизлик кафолати бўлмиш НАТО

ҳам кескин ўзгариши зарурлигини англа бетиштаёттаник-ларини четда қолдириб бўлмайди. Масалан, бир жиҳат: НАТО, шубҳасиз, улкан ҳарбий-сиёсий машина. Аммо бу унинг ҳарбий салоҳияти бирорга бир минтақага, жумладан, Хитой ёки Россияга қарши қаратилганлигини билдири-майди. Ба бу борада жиҳдий ташвишга ўрин йўқ. Аксинча, эндиликда, унинг тингчлик ўрнатиш борасидаги тажрибаси ҳатто Европадан анча узок минтақаларда, жумладан, Афғонистонда ҳам аскотмокда. Бир пайтлар ўзаро бир-бирини тийип ва кейинчалик, «ўз масъуллият зонаси»да тартиб ўрнатишга йўналтирилган Шимолий Атлантика Альянсининг дикқат-эътиборини бугун бошқа вазифалар, жумладан, дунё хавфсизлигига хисса кўшиш ўзига кўпроқ тортмокда. Ташкилотнинг кўпчилик масъуллари уни тубдан бошқа йўналиш касб этиши, аниқроғи, минтақавий ҳарбий-сиёсий ташкилотдан вакти келиб, сиёсий хавф-сизлик ва ҳамкорлик воситасига айланishi зарурлиги ҳақида таклиф, тавсияларни ўргата ташланмокда.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралса, масаланинг эъти-борга молик бир жиҳати кўзга ташланади. Яъни, НАТО-нинг бағрида мустаҳкамланаётган демократик жараёнларни синчковлик билан кузатаётган Европа давлатларининг баъзилари унга аъзо бўлиш шарт эмас, яъни бирорта аъзо давлат орқали ёки иккитомонлама келишув йўли билан унинг стратегиясига таъсир қилиш мумкинлигини эъти-роф этишмокда.

Мислий хавфсизликка нисбатан тасаввурлар, страте-гиялар ва баҳолар ўзгариши жараёни НАТОни четлааб ўта-ёттани йўқ. Жумладан, унинг кўпчиликни бефарқ қолдири-маётган — «Шарққа томон кенгайиши» стратегияси. Маъ-лумки, аъзо давлатларнинг сони бир неча йилдан сўнг 26-30 тага етиши ташкилотнинг олий сиёсий доираларида кун тартибига киритилган. Демак, бу ерда факатгина сиёсий вакт ёхуд муддат омилидан бошқа бирон бир жиҳдий тўсик йўқ. Лекин, бу масалада ҳам икки хил қараш шакллан-мокда: баъзилар географик кенгайиш НАТО сиёсий таъ-сирининг бекиёс оғлишига сабаб бўлади ёки кент геосиёсий

таъсир майдонини яратади, деган фикрда бўлсалар, сиёсатчилар гуруҳи класик геосиёсат устунларидан келиб чиқиб, НАТОнинг меъёрдан ошиқ (яъни Атлантикадан Хитой чегараларигача) кенгайиши «худудни бошқариш чизигидан ташқарига чиқиш» ва ундан сўнг «заифлашини сари кетиши» феноменини келтириб чиқаради, деган фикрдалар. Лекин ҳар икки ёндашув масалага нуқта кўймайди. Зоро, бу — мутахассисларнинг субъектив фикри. Бирок хавфсизлик мустаҳкамлиги нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак, сиёсий худуднинг ҳаддан зиёд кенгайиши унинг, яъни хавфсизлик маконининг «тарқоқлашиши»га сабабчи бўлғанилигини эслатишга тўғри келади. Россиялик йирик мутахассис, МГИМО профессори А.Пушков НАТО ҳамда ЕИнинг тобора кенгайишини назарда тутган ҳолда «Европа Иттифоқига келадиган бўлсак, учалик ҳам ривожланмаган Шаркий Европа давлатларини ўз таркибига қабул килиб, ҳаддан зиёд ўзини кўйиб кўйди», деган фикрини билдирган эди. Шу маънода Марказий Осиёда сиёсий барқарорликни таъминлаш йўлида изчил фаолигит олиб бораётган ташкилотларнинг географик қамрани ўйнида ўйлаш ҳам муҳим. Демокримижки, хавфсизликни таъминлаш кўпвариантли, мураккаб жараён. Шу муносабати билан Австралияниң йирик сиёсий арбоби, бугунги куни Узаро Ҳамжоҳатлик Кенгани деб аталган ҳалқаро интикумат гуруҳнинг раҳбарларидан бири Малькольм Фрейзернинг фикрини келтириш ўринили: «Европа кенгайиши сари у ердаги давлатлар сиёсатининг тобора индивидуаллануб бориши ва натижада муҳим муаммоларга нисбатан ҳамма учун бирдек маъқул сиёсатни ишлаб чиқиш кийинлашаётганлигини кузатамиз». Бу хил қарашларда қандайдир мантиқий асос бор. Лекин ушбу жараёнларстихияли ривожланишида давом этса, унда НАТО эмас, ҳар қандай бошқа ҳарбий-сиёсий ташкилот ҳам жаҳондаги умумий хавфсизликка штурм етказиши турган гап.

Мустақиллик давридаги ташки сиёсатимизда Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг бой тажрибаси, имкониятларидан фойдаланишга ҳам алоҳида аҳамият берилди. Зоро, биполярлик даврида икки хил сиёсий лагерь-

нинг ўзаро кураши оқибатларидан энг кўп машакқат чеккан мингтака бўлмиш Европанинг ҳамкорлик ва хавфсизлик ма-конига айланнишида ушбу ташкилотларнинг бугунги кунда хизмати улкан хисобланади. Халқаро ташкилотлар орасида биринчилардан бўлиб ЕХХТ хавфсизлик учун ҳамкорлик концепциясини стратегик сиёсат даражасига кўтарди.

Маълумки, мингтакада умумий хавфсизликни таъминлаш борасидаги бир қатор бошқа ташкилотлар ҳам фаолият олиб бормоқдаки, улар самарали ҳамкорлик учун ҳар бири ўз сиёсий-хукукий маконини актариши лозим.

Ўзбекистон ушбу ташкилотлар билан кўп томонлама самарали ҳамкорлик қилиш зарурлигига ҳар доим алоҳида ургу бераб келган.

### **Халқаро молиявий ва иқтисодий тузилмалар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаҳон иқтисодиётидаги тараққиёт тенденцияларини дикқат билан кузатиб борар экан, жаҳон иқтисодиёти даражасидаги интеграциялашув жараёнида фаол иштирок этиш бағоят муҳимлигини доимю таъкидлайди.

Хозирги кунда биз миллий манбаатларимизни эътиборга олиб мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган ташки сиёсатининг устувор йўналишларини белгилашмиз зарур. Ўрга ва узоқ истиқболда амалга оширилиши зарур бўлган ташки иқтисодий вазифалар ҳам айнан ана шу нуқтаи назардан белгиланиши керак. Ташки сиёсатимиздаги энг муҳим йўналиш Марказий Осиё минтакасида тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш ва ушбу минтакани хавфсизлик худудига айлантиришдан иборат.

Ўзбекистон барқарор, сабитқадам ва самарали иқтисодий сиёсати халқаро иқтисодий уюшмалар доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш туфайли жаҳон ҳамжамиятининг ишончини қозонди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Осиё таракқиёт банки, Ислом таракқиёт банки ва бошқа йирик, нуфузли халқаро молия ва иқтисодиёт тузилмалари ҳамда ташкилотлари билан ҳамкорлик келгусида ҳам ташкиси сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бўлиб қолаверади”<sup>3</sup>. Мазкур ташкилотларнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнида ва мамлакат иқтисодий ислоҳотида тутган ўрни бекиёсdir.

### **Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон банки билан ҳамкорлиги**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 1992 йил сентябрдан бошлаб Жаҳон банкининг тўла ҳукуқли аъзосига айланди. 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг «Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва таракқиёт банки, Халқаро таракқиёт ассоциацияси, Халқаро молиявий корпорация, Инвестициялар кафолатлари бўйича кўп томонлама агентликка Ўзбекистон Республикасининг аъзолиги тўгрисида»ги Конуни амал кила бошлади.

Жаҳон банкининг 2002-2004 йилларда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш стратегиясида ҳамкорликнинг куйидаги асосий йўналишлари белгилаб берилди: валюта ва савдо тартибини эркинлаштириш соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш учун таҳлилий, сиёсий ва институционал негизларни тайёрлашга кўмаклашши, шу жумладан, макроиктисодий ва структуравий сиёsat, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, давлат молия тизимининг очиқлигини ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар; хусусий сармоядорлар учун янада мақбул инвестицион муҳитни яратишга кўмаклашши; муниципал инфратузилма таракқиёти ва коммунал хизмат тизимининг ишини такомиллаштириш; мамлакатнинг кенгайтирилган дренаж ва ирригация инфратузилмаси сакланишига кўмаклашши ва унинг самарадорлигини яхшилаш.

## **Ўзбекистон Республикасининг Халқаро Молиявий Корпорация (ХМК) билан ҳамкорлиги**

Ўзбекистон Республикаси 1993 йилнинг октябрь ойидан боштаб Халқаро Молиявий Корпорация аъзосидир.

ХМК саноат, куиплоч хўжалиги ва маишний хизматнинг барчи тармоқларидағи лойиҳаларни молиялантиради. Хусусий инвесторлар ва кредиторлар иштирокини таъминлаш учун ХМК ўзининг молиялаш (ссудалар ва сармояда иштирок этиш) умумий суммасини ҳар бир лойиҳа учун умумий смета харажатларининг 25 фоиз микдорида чеклади.

ХМКнинг Ўзбекистондаги фаолияти турли соҳалардаги йўналитларни, шу жумладан, кичик бизнесс ва хусусий тадбиркорликни ХМК томонидан молиялаш ҳажмларини янада кўшайтиришини, тижорат банкларини хусусийлаштиришини, шунингдек, модернизациялаш ва хусусийлаштириши скемаси бўйича энг йилрик иштаб чиқариш корхоналари бўйича инвестиция лойиҳаларида иштирок этишини, турим инфратузилмасини ривожлантириш (Хива шаҳрида халқаро меҳмонхона мажмуасини куриш)ни, Тошкент шаҳридаги аэропорт инфратузилмасини ривожлантириш (Гонисент шаҳри аэропортида 150 ўринли халқаро миқёсдаги меҳмонхона курилиши)ни, тўқимачилик соҳасидаги ҳамкорликнинг ривожлантирилишини ўз ичига олади.

## **Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта фонди (ХВФ) билан ҳамкорлиги**

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 21 сентябрда Халқаро валюта фондига аъзо бўлиб кирди.

Молиявий ёрдамдан ташқари ХВФ банк тизимига оид қонуналарни, статистик ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини такомиллантириш, бюджет таснифи ва тўлов тизимини ривожлантириш масалалари бўйича техникавий ёрдам кўрсатади. Етакчи иқтисодий вазирликлар ва идораларнинг ходимлари ХВФнинг молиявий кўмагида таълим олишади.

Иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш бўйича Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалта оширилган чоратадбирлар 2002-2003 йиллар мобайнида Фонд билан ҳамкорликни жадаллаштириш имконини яратди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати 2002 йилда ХВФ билан биргаликда иқтисодий ва молиявий сиёсат масалаларига багишланган меморандум чиқарди. Унда республика иқтисодиётини кедгусида ислоҳ этиш, шу жумладан, валюта бозорини эркинлаштириш масалалари бўйича муайян чора-тадбирлар мажмуи кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Марказий банки ХВФ миссияси билан биргаликда 2003 йил июнь ойида «Жорий ҳалқаро операциялар бўйича миллий валютанинг конвертацияланишини таъминлашта доир ҳаракатлар режаси»ни ицлаб чиқди. Мазкур режада 2003 йил охирига қадар сўмнинг конвертацияланишини таъминлаш ва ХВФ Битими моддаларининг VIII банди мажбуриятлари Ўзбекистон томонидан қабул қилинини кўзда тутилган эди.

Фонд раҳбарияти ҳукуматнинг валюта бозорини тўла эркинлаштириш тұғрисидаги қарорини южори баҳолаганинги ва Ўзбекистонга зарур ёрдам кўрсатишга тайёрлигини баён этсанлигини таъкидлаб ўтиш зарур. 2003 йил октябрь ойида жаноб де Врайер бошчилигидаги ХВФ вакилларининг килган ташрифи чорига кўзда тутилган барча чора-тадбирлар муддатидан аввал бажарилгани эътироф этилди. Натижада Ўзбекистоннинг конунлари ва валютави тартибга солинг тизими хозирги вақтда ХВФ Битими моддаларининг VIII моддаси талабларига тўла жавоб бермокда.

### **Ўзбекистон Республикасининг Европа тикланиш ва таракқиёт банки (ЕТГБ) билан ҳамкорлиги**

Ўзбекистон давлат мустақиллигини кўйла кириштан дастлабки кунларданоқ етакчи ҳалқаро иқтисодий ташкилотлар билан биргаликда турли дастурлар ва лойиҳаларни амалта ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқ-

да. Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) билан ҳамкорлик - бунинг ёрқин далилидир.

1992 йил 30 апрелда Ўзбекистон ЕТТБга аъзо бўлди. 1993 йилдан бошлаб ЕТТБ Ўзбекистон Республикасида дастлабки лойиҳани амалга ошира бошлади.

ЕТТБ Директорлар Конграви 1994 йил 10 январда Ўзбекистон Республикаси учун банк томонидан молиялантириладиган инвестиция лойиҳаларига нисбатан салбий гаров (negative pledge) шартларини бекор қилиш тұғрисида қарор қабул қилди.

Махсус ишланган стратегиясига мувофиқ ЕТТБ Ўзбекистонда ўзи учун куйидаги фаолият йўналишларни устувор деб белтилади:

Ц кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-куватлаш;

Ц молиявий муассасаларни мустажкамлаш;

Ц банкка оид бўлмаган молия муассасалари тараққиётини кўллаб-куватлаш;

Ц бозор инфратузилимасини ривожлантириш.

### **Ўзбекистон Республикасининг Осиё тараққиёт банки (ОТБ) билан ҳамкорлиги**

✓ 1995 йил 29 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ОТБнинг тұла ҳукуқлы аъзосига айланди. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида лойиҳаларни амалга ошириш учун кредитлар, инвестициялар ва техникавий ёрдам бериш сингари йўналишларда Ўзбекистон Осиё тараққиёт банки билан ҳам ҳамкорликни кўлга кўйди. ✓

1996 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси билан ОТБ бир канча лойиҳа битимларини имзолади. Мазкур битимлар Республика ҳукумати томонидан қабул қилинган инвестиция дастурига мувофиқ саноатнинг муайян тармоқларида янги корхоналарни яратиш, мавжудларини тъмirlашпа, шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни ҳамда қўшиллоқ ҳўжалигини ривожлантиришга қаратилгандир. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши таркибий исло-

хотларни ўтказишга ва энг муҳими, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси билан ОТБ ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатлар изчил ривожланиб бораётги Шу маънода, транспорт инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги, олий ва ўрта маҳсус, касбхунар таълими, коммунал хўжалик, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги кўпша лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2003 йилнинг ўзидағина Ўзбекистон Республикаси билан ОТБ ўртасида олий таълим, микромолиялаш, энергетика инфратузилмасини такомиллаштиришга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш учун тўртта қарз битими имзоланди.

2003 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ОТБ билан 2004-2005 йилларда ҳамкорлик қилишининг уч йиллик дастурини келишиб олди. Дастурда овалик ва болалик муҳофазаси, иҷtimий суви таъминоти, хусусийлаштириш жараёни боштанини олдидан корхоналарни кўллаб-куватлаш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, энергетиканинг ишлаб чиқариш кувватларини ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳаларидаги кўпша лойиҳаларни амалга оширилиши кўзда тутилган.

✓ Узбекистонда ОТБ молиялаш стратегиясининг асосий йўналишлари:

- қишлоқ хўжалиги соҳаси;
- транспорт (темир йўл ва автомобиль) соҳаси;
- таълим соҳаси;
- молия ва банк соҳаси (янги йўналиш);
- ижтимоий соҳа (янги йўналиш);
- микромолиялаш;
- энергетика инфратузилмаси ✓

### **Ўзбекистон Республикасининг Ислом тараққиёт банки (ИТБ) билан ҳамкорлиги**

2003 йил май ойида Ўзбекистон делегацияси Ислом тараққиёт банкининг Жидда шахридаги (Саудия Арабистони) кароргоҳига ташриф буюрди. Ташрифдан мақсад - ўзаро

хамкорлик йўналишиларини ишлаб чиқиш учун банк фамилиятини ва таклиф этилаётган хизматларни ўрганишдан иборат эди.

2003 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Эрон Ислом Республикасига расмий ташриф буюрди. Ушбу ташриф доирасида Ислом тараккиёт банки Президенти, доктор Аҳмад Муҳаммад Али билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон Республикасининг ИТБга аъзо бўлиб кириши масаласи муҳокама қилинди.

2003 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикасининг ИТБ аъзолигига кириши тўғрисида” қарор қабул қилди.

2003 йил 29 сентябрдан 2 октябрга қадар Тоғикент шахрида ИТБ Президенти, халқаро молиявий муассасалар ва ИТБга аъзо бўлган мамлакатлар савдо-саноат доираларининг вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси вазирлеклари ва идораларининг раҳбарлари интироқида ИТБнинг инвестиция конференцияси ўтказилди.

2004-2005 йилларда куйидаги олгита лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган:

Ц 50 та коллеж учун лаборатория ускуналарини харид қилиш лойиҳаси;

Ц Темир йўл бекати ва кўпrikни таъмирлаш лойиҳаси;

Ц Ўзмиллийбанк учун кредит йўналиши;

Ц Иситиш ва сув таъминоти тизимини тиклаш лойиҳаси (1);

Ц Халқнинг молияланисини бошқаришга доир ислоҳотлар лойиҳаси;

Ц Иситиш ва сув таъминоти тизимини тиклаш лойиҳаси (2).

Фикримизга якун ясад, шуни таъкидлаш жоизки, халқаро молиявий муассасалар билан хамкорликни ривожлантириш Ўзбекистонга мамлакатнинг ташки ва ички иқтисодий сиёсатини қайта тузиш, молиявий ёрдамга муҳтож бўлган хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликларини бериш, Халқаро

молия корпорацияси, Жаҳон банки, Осиё таракқиёт банки сингари халқаро молиявий муассасалар ёрдамида микрокредитлари тизимини кенгайтириш имконини беради.

Халқаро молиявий ташкилотлар ўз инвестициялари ва кредитлари воситасида иқтисодиёт тармоқларини таркибий жиҳатдан янгилаш ва ислоҳ этишда, хусусийлаштириш жараёнларини чукурлаштириш ва хусусий шўъбани ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Бу эса жамиятимизда янги синф - тадбиркорлар синфини қарор тоғтиришида мухим аҳамиятта эга.

Улар билан ҳамкорликдаги ана шундай катый йўналмис Ўзбекистон демократик ва бозор ислоҳотларини жадаллаштириш ва чукурлаштириш, фуқаролик муассасаларини ривожлантириш ва мустаҳкамланиш бўйича ўз олдиға кўйган энг мухим экорий ва стратегик вазифаларга тўла даражада мос бўлиши керак.

### **Ўзбекистоннинг МДҲ ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш йўллари**

Шаҳхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Марказий Осиё Ҳамкорлиги Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва башка ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз минтақада хавфсизлик, тингчлик ва барқарор ривожланшини таъминланшиниг мухим шарти ҳисобланади.

**Ислом КАРИМОВ**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги — ушбу минтақавий ташкилот сабиқ СССРнинг айрим республикалари томонидан тузилган эди. Уни таъсис этувчи хужжатлар 1991 йил 8 декабрда Минскда Белорусия, Россия ва Украина томонидан имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битим, 1991 йил 21 декабрда (Болтик Бўйи республикалари ва Грузиядан ташқари) 11 та

собиқ Иттифоқ республикалари томонидан Олма Отада имзоланган Битимга Баён ва 1991 йил 21 декабрда имзоланган Олма Ота Декларациялари хисобланади. 1993 йил 22 январда Минске бўлиб ўтган Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат бошликлари Кенгашида (Арманистон, Белоруссия, Қозогистон, Қирғизистон, Россия, Тоҷикистон ва Ӯзбекистон иомидан) Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Низоми қабул қилинди. Ҳамдўстликнинг мақсадлари куийдагилардан иборат:

1. Сиёсий, иқтисодий, экологик, инсоншарварлик, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни амалга ошириш;
2. Умумий иқтисодий маконни яратиш;
3. Умуминсоний тамойиллар, Европада Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг меъёрлари асосида инсоннинг асосий ҳукуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш;
4. Аъзо давлатларнинг ҳалқаро тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш ҳамда куролсизланишига йўналтирилган ҳамкорликларини амалга ошириш;
5. Аъзо давлатларнинг ҳамдўстлик ҳудудида эркин юришлари ва мулоқотларини таъминлаш;
6. Ҳукуқий муносабатларнинг бошқа соҳаларида ўзаро ёрдам ва ҳамкорликни йўлга кўйиш;
7. Ҳар қандай низо ва тортишувларни тинч йўллар билан ҳал этиш.

? *Ӯзбекистоннинг Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги шитирокини белгиловчи ҳолатлар:*

1. Янги мустакил республикалар илгари ягона давлатнинг таркибий қисмлари эди. Улар ҳам ҳудудий, ҳам сиёсий, ҳам ташкилий жиҳатдан бир бутун эдилар. Кўп йиллар мобайнида улар ўртасида таркиб топган муносабатлар ва алоқаларнинг кескин узилиши республиканинг ўзидағина эмас, шу билан бирга, ҳалқаро майдонда ҳам вазиятнинг чигаллашишига олиб келган бўлур эди.
2. Республика иқтисодиёти ягона транспорт ва энергетика тизимиға эга бўлган собиқ умумиттифоқ иқтисодий макони доирасида шаклланди ва ривожланди. У бошқа минтақалар билан хўжалик алоқаларининг чамбарчас ту-

гуни орқали боғланган бўлиб, улар юзасидан ўзаро ҳисоб-китоблар рубль маконида амалга оширилмоқда. Бу муносабатларни жаҳон ҳўжалик алоқалари билан боғламай, узуб кўйинш (шундай алоқаларни ўрнатиш учун узок вақт талаб этилади) ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиб кетишига, иқтисодий аҳволнинг ёмонлашувига, ижтимоий муаммоларнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин ва ҳозирдаёқ шунга олиб келмоқда.

3. Барча мустақил республикаларда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам собиқ Иттифоқ кўламида яқин қариндошлиуручлилк алоқаларига эга бўлган кўп миллатли аҳоли яшайди. Ҳамдўстлик доирасида чегараларнинг очиклигиги-ни, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга бориши ва ахборот узатиш эркинлигини сақлаб қолиш республикада фуқаролар ҳамда миллатлараро тутувликни таъминлаш шарти, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг муҳим омили бўлиб хизма г қиласиди

Еш мустақил давлатлар ташки сиёсий ва ташки иқтисодий муносабатларда ҳали етарлича обрў-эътиборга эга эмаслар. Уларнинг халқаро мақомини мустаҳкамлаш учун эса вақт зарур. МДХга аъзолик хорижий давлатлар билан ўзаро маъфаатли алоқалар ўрнатишни заррача ҳам чекламай, дигломатия соҳасидаги фаоллигимизга салмоқли ҳисса кўшиш и аниқ.

Ке йинги вақтларда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти муҳим аҳамиятта эга бўлмоқда. Мазкур ташкилот 1996 йилда беш давлат: Россия, Хитой, Қирғизистон, Қыргизистон ва Тоҷикистон томонидан ташкил этилан бўлиб, унинг фаолияти умумий чегара ҳудудларида ўзаро ҳарбий ишончни мустаҳкамлаш масалаларига қараштириб «Шанхай бешлиги» деб номланарди.

Марказий Осиё кучли минтака, у ўз ишни ресурсларнига ва потенциалига таянган ҳолда сиёсат юритмоқда. Ўзбекистоннинг географија тарихий вазифаси интеграция жараёнинда ташаббускор бўлишидир. Мазкур ташкилот аъзоларининг катта иқтисодий ва сиёсий потенциалга эга бўлган ҳолда факаттана чегара масалаларида ҳамкорлик қилиш-

лари истиқбол режаларига түгри келмас эди. Ўз ўрнида давр ҳам айнан ҳозирги кун манфаатлари йўлида эмас, келажакни кўзлаган ҳолда иш юритиш афзаллигини кўрсатди 1998 йилги Алмати ва 1999 йилги Бишкек учрашувларида гиёхванд моддалар контрабандасига қарши кураш, узошган жиноягчиллик муаммолари, иқтисодий соҳада стратегик ҳамкорлик ва Буюк Ипак йўлини тиклаш муҳим масалалар эканлигини кўпчилик тан олди. Эндиликда, Шанхай бешлиги факаттинг чегара масалалари билан чекланиб қолмаслиги аниқ бўлиб қолди. Юкорида келтирилган бир қатор муаммоларнинг худудимизда бевосита, мингакавий хавфсизлик масалалари билан боғлиqlиги маълум бўлди. Умуман, «бешлик» давлатларини ташвишга солган муаммоларни Ўзбекистонсиз ҳал этиш ўта мураккаб вазифа эканлиги англанди. Бунинг натижасида, 2000 йилнинг июль ойидаги Душанбеда бўлиб ўтган «бешлик»нинг навбатдаги учрашувида Ўзбекистон кузатувчи сифатида қатнашди. Учрашувда мухокама килинган масалалар ва муаммолар барча давлатларнинг манфаатларига мос тушиши яққол намоён бўлди. Асосий зътибор мингакавий хавфсизлик масалаларига, халқаро терроризмга қарши курашиш, диний ва сиёсий экстремизм, сепаратизмнинг олдини олиш, шунингдек, наркобизнес, қонунга хилоф равишда курол-яроқ сотиш каби муаммоларга қаратилди. Ушбу таҳдидларнинг аксарияти ҳозир ҳам, асосан, жанубда - Афғонстанда яққол кўриниб турибди. Ташкилотда Ўзбекистоннинг қатнашиши унинг номини ўзгаришига олиб келди ва у «Шанхай форуми» деб атала бошлади.

Ўзбекистонни «Шанхай бешлиги»га кузатувчи сифатида кўшилишини барча давлатлар кўллаб-куватладилар, Россия Президенти В.Путин эса буни алоҳида воқеа деб таъкидлади. Унинг фикрича, мингакавий муаммоларини Ўзбекистонсиз ҳал этиб бўлмайди. Иштирокчилар терроризмни глобал хавф эканлигини хисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг 1999 йил ноябрь ойидаги бўлиб ўтган ЕХХТнинг Истамбул учрашувида ЕМТ структуралари қопида терроризмга қарши курашиши халқаро марказини тузиш ташаббусини

кўллаб-куватладилар. Ўзбекистоннинг мазкур ташаббусини, нафакат, «Шанхай форуми» (кейинчалик Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти), балки Европанинг бир катор давлатлари, жумладан, Германия ҳам тўла-тўқис кўллаб-куватламокда.

У Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (Қозогистон, Киргизистон, Хитой, Россия, Тоҷикистон ва Ўзбекистон) тўла шакллануб бўлди ҳамда ўз фаолиятини кундан-кунта ривожлантириб бормокда. Москва саммитидан сўнг (2003 йил май) ўтган давр ичida бир катор тадбирлар амалга оширилди. Жорий йилнинг бошидан эътиборан Пекинда ШХТ Қотибияти, Тошкентда эса доимий фаолият юритувчи орган - Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ишлайдиги, Ҳурли хил муаммоларни ҳал этиш бўйича кўп томонлама ҳаракатлар мувофиқлашмокда. ШХТнинг ҳалқаро обўси тобора ошиб бораядиги. Бонкача айтганда, қиска вакт ичida ташкилотнинг сёкка туриш жараёни туталланди. Энди олдиңда янада масъулиятли ва мураккаб, яъни, кўзга яққол ташланиб турган, аниқ натижаларга йўналтирилган салюхиятли, тўлақонли яратувчаник босқичи турибди.

Иккинчи энг муҳум масала — Ўзбекистон бу жараёнларда ишхоятда фаол иштирок этди. Айнан Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 2004 йилнинг 4 июнь куни Тошкентда ташкилотта аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг илк учрашуви бўлиб ўтди. ШХТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг учрашуви бўйича Регламент қабул килинини мазкур учрашувнинг якуний натижаларидан бири бўлди. Шундай қилиб, ШХТ тузилмасида хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича доимий фаолият юритадиган мутлако янги мувофиқлаштирувчи-маслаҳатлашувчи механизм яратилмоқда.

2004 йил Тошкент шаҳрида олти давлат раҳбарларининг учрашуви ШХТнинг институционал ташкилот сифатида барпо этилиш даврига якун ясади. Давлатлар ўртасида ШХТ Хартиясида қайд этилган барча йўналмислар бўйича кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш ва ўзаро узвий амалий ҳаракатларни кучайтириш даври бошланялди. Бонка-

ча айттанды, Тошкент Саммити ШХТ фаолиятида мухим аҳамиятта эга бўлади. Айтиш лозимки, Марказий Осиё ва унга чегарадош давлатларда хавфсизлик ва барқарорлик гарови - бу мамлакатларда босқичма-босқич иқтисодий ривожланишин тъминлаш, аҳолининг турмуш тарзидаги биринчи навбатда зарур бўлган талабларини қондиришидир.

Бунда ШХТнинг иқтисодий интеграцияланувини жадал суръатда амалга ошириш мухим аҳамият касб этади. Тошкентда 2004 йилнинг 28 май куни Ўзбекистоннинг ташабbusи билан олти давлат Иқтисодиёт ва Савдо вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Улар 2003 йилнинг сентябррида хукуматлар раҳбарлари томонидан тасдиқланган, ШХТ доирасида кўптомонлама савдо-иктисодий ҳамкорлик дастурини амалга ошириш бўйича тадбирлар режасининг лойиҳасини кўриб чиқдишар. Ушбу режа бўйича ишларни ШХТга аъзо давлатлар хукуматлари көнганининг жорий йилнинг кўзидаги бўлиб ўтадиган мажлисига қадар тутатиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, савдо-иктисодий ҳамкорликнинг замонавий шаклларини жорий килиш, давлатлар ўргасида товар айланмасини кўпайтириш, меъёрий-хукукий базаларни уйгунаштириш, технология, хизмат, пул маблағлари ва маҳсулотларнинг эркин ҳаракат қилиши учун босқичма-босқич куляй шароит яратиш каби тизимили қадамларни кўйинш режалаштирилмоқда. Президентлар томонидан умуман, ШХТ ва унинг минтақавий аксили-террор тузилмасига таалукли бир қанча хужжатлар кўриб чиқилиб, тасдиқланди.

Саммитнинг якуний сиёсий хужжати — Тошкент декларациясида давлат раҳбарлари ташкилотта аъзо мамлакатларнинг келгусидаги ҳамкорлигини жадал ривожлантириш, сиёсий, иқтисодий, янги таҳдидларга қарши қураш, инсонпарварлик масалалари бўйича аниқ вазифалар белтилаб олинди.

ШХТ Тошкент саммитида Афғонистон етакчиси ва Мўгулистон делегацияси ҳам катнашиши мухим аҳамиятга эга бўлди. Бў ҳам ШХТнинг дунё миқёсидаги халқаро обруси ва таъсири ўсаёттанилигидан гувоҳлик бериб туриб-

ди. ШХТ фаолигидида бошқа давлатларнинг кузатувчи сифатидида иштирок этиши учун имконият ва шартномавий-хукукий база мавжуд.

ШХТга аъзо давлатлар етакчилари Афғонистон раҳбарияти билан келажақда барчани хавотирга солаётган қатор муаммоларни мухокама қилишди.

Шанкай Ҳамкорлик Ташкилотининг ўта зарурлиги транспорт коммуникацияларини тиклаш борасида ҳам жуда муҳим. Қадимги Буюқ Ишак йўли ҳам айнаи шу давлатларнинг ҳудудидан ўтган.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини зълон килган кундан бошлаб бутун Марказий Осиё мунтакабсида интеграциялашув жараёнларини ривожлантиришга қаралтилган изчил сиёсатни амалга оширмоқда. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг ушбу ташаббуслари оддий таҳлилдот эмас, балки ҳозирги замон талибларини чукур амалаган ҳолда мамлакат раҳбарияти ва аввали, Президент Ислом Каримовнинг ироди ва интилишлари ифодасидир. Бу савъ-харакатлар Марказий Осиё ҳалқларининг узвий тарихий ришталарига асосланган кўнгомонлама ҳамкорлик ва шерикликнинг кенг сиёсий платформасини яратишга қаратилган.

Ўзбекистоннинг мунтакабий интеграциялашув йўли даги изчил ва фаол қадамлари хусусида қатор далиллар шаҳодат беради. 1993 йилнинг июнь ойидаёқ Ўзбекистон билан Козогистон ўртасида “1994–2000 йилларда иқтисодий интеграциялашувни чукурлаштириш чоралари тўғрисида” шартнома имзоланган эди. Интеграциялашув жараёнлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида икки мамлакат 1994 йилнинг январида “Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисида”ги шартномага имзо чекди ва кейинроқ Қирғизистон Республикаси унга кўшилди. Ўша йилнинг 30 апрелида Ўзбекистон ташаббуси билан Чўлпон Ота шахрида “Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисида”ги уч томонлама шартнома имзоланди. Кейинчалик – 1999 йил марта мазкур шартномага Тоҷикистон Республикаси кўшилди.

Ўшта йилнинг июлида ушбу мамлакатлардан ташкил топган Марказий Осиё минтақавий уюпмасининг «Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти» (МОИХ) номи билан тасдиқланиши минтақавий интеграциялашувни кенгайтириш йўлидаги навбатдаги қадам бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов МОИХга аъзо давлат раҳбарларининг 2000 йилнинг июнида Душанбеда бўлиб ўтган кенгашидаги Марказий Осиё минтақавий ҳамкорлигини янада чукурлаштириш учун кўшимча чоралар кўриш ва минтақанинг кўптомонлама ҳамкорлик тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш ташаббусини илгари сурди. Ушбу ташаббусни мантиқий давом эттириб, мамлакатимиз раҳбари 2001 йилнинг 28 декабрида Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари саммитидаги МОИХ фаолияти доирасини кенгайтириш ва уни «Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти» (МОХТ)га айлантириш тақлифини ўртага ташлади. Мазкур тақлиф бир овоздан кўллаб-куватланди ва учрашувнинг якеаний хужжати — «Тошкент баёноти» да қайд этилди.

МОИХнинг МОХТга ўзгартирилишининг муҳим натижаларидан бири — бу ташкилотда факат иқтисодий масалалар билан чекланиб қолмай, Марказий Осиёда долзарб аҳамият касб этаётган муаммолар, жумладан, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Афғонистонни қайта тиклаш ҳамда гуманитар соҳасидаги ҳамкорлик каби мавзулар юзасидан очиқ сиёсий мулюқотлар ўтказилмоқда. Минтақанинг ажралмас қисми бўлган Афғонистонда ҳамжихатликда иш олиб бориш учун мустажкам асос яратилди.

Айтиш жеизки, МОХТ фаолияти ўзининг демократия ва хурфикарлилик тамомилларига асосланган, жўшкун интеграциялашув ҳамда мослашувчан табиати билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг МОХТ раиси этиб сайланиши ташкилот фаолиятини сезиларли даражада жадаллаштириди. Ҳусусан, бир йилдан кўпроқ вакт мобайнида ташкилотта аъзо давлатлар раҳбарлари Алмати, Оқшату, Душанбе, Остана ҳамда Тошкент шаҳарларида олти маротаба учрашдишлар.

Аъзо мамлакатларнинг парламентларо алоқаларининг жадаллашуви минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида ҳамкорликнинг янги кирраларини кашф этиш, давлатларо муносабатларни чукурлаштириш, МОҲТ доирасида интеграциялашув жараёнинг ривожланиши ҳамда истиқболи мухимдир.

Шу маънода, Ўзбекистон ташаббуси билан 2002 йилнинг ноябрь ойида МОҲТга аъзо мамлакатлар парламентлари вакилларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви давомида парламентларо ҳамкорлик институтини жорий этиш, аъзо мамлакатлар парламент вакилларининг кенганини тузни хусусидаги қарорининг қабул килишини катта аҳамиятта эга бўлди.

Мамлакатимизнинг МОҲТга раислик килини билан бирга, Ўзбекистон зиммасига юқланган масъулиятни хис этган ҳолда, ҳукуматимиз томонидан ташкилот фаолиятини жадаллантиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2002 йилнинг август ойида Тошкентда МОҲТга аъзо мамлакатлар ҳукукни мухофаза қилиш ҳамда ҳавфсизлик хизматлари раҳбарларининг диний экстремизм ва фанатизм экспансијасининг олдини олиш борасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган кенгани бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз ташаббуси билан МОҲТ доирасида аъзо мамлакатларнинг иқтисодий доиралари ҳамкорлиги сезиларли даражада фаоллашди.

2002 йилнинг ноябрь ойида Тошкентда, 2003 йилнинг июль ойида Киргизистоннинг Ўш шаҳрида МОҲТга аъзо давлатларнинг тадбиркор ҳамда ишбилиармон доиралариининг бизнес анжумани бўлиб ўтди.

Учрашув чорига иқтисодий ҳамкорликнинг ахволи ҳамда истиқболлари, кўпша лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва хаётга тадбик этиш, корхоналар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётига чет эл сармолларини жалб қилиш масалалари мухокама этилди.

Айтиш жоизки, бўлиб ўтган бизнес анжуманлар мин-

такамиз мамлакатлари хамда халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихининг янги саҳифасини очиб берди.

Анжуманлардан аён бўлдики, тадбиркор ва ишбилиар-мон доиралари вакиллари минтақада ўзаро иқтисодий ҳамкорликни йўлга кўйиш ҳамда кўпшма лойиҳаларни амалга оширишга катта кизиқиши билан қарадилар.

Тадбирлар давомида МОҲТ доирасидаги интеграция жараёнига иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари киригтилиши ўзаро манбаатли ҳамкорлик асосларини мустахкамлаш воситаси бўлиб хизмат килиши эътироф этилди.

МОҲТ ташкил топган вақтдан бўён халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустахкамлаш ва ялни ривожланшини, кўп томонлама ҳамкорлик механизми ва воситаларини тақллантириш борасида муҳим қадамлар тапланди.

Айни пайтда, давлатимиз раҳбари тайюидлаб ўтанидек, ушбу жараён интеграцияни секинлантиришга олиб келадиган навбатдаги бюрократик тузилмаларни барю этиш эмас, балки кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда халқларимизнинг тарихий қон-қариндошлик ригталарага асосланган кенг сиёсий маконининг яратилишини сифатида тушунилмоги даркор.

Муҳими, мамлакатимизнинг МОҲТ доирасидаги ташаббуслари жаҳоннинг илгор сиёсий ҳамда молиявий ташкилотлари, хусусан, Осиё таракқиёт банки, Европа Тикшениш ва таракқиёт банки, Жаҳон банки, Ислом таракқиёт банки ҳамда БМТ таракқиёт дастури томонидан кўллаб-куvvatланди.

Мазкур ташкилот вакиллари дастурий хужжатларни тайёрлашда ўз маслаҳатлари билан ёрдам беришта, тайёр эканликларини, Марказий Осиёдаги сув-энергетика захиралари, транспорт савдоси соҳаларида олиб борган ўз тадқиқотлари натижалари билан ўртоқлашшиларини билдиришиди.

Нуфузли халқаро молиявий ташкилот - ЕТТБ ўзининг 2003 йил май ойидда Тошкентда бўлиб ўтган директорлар кенгашининг йиллик йигилишида Марказий Осиё минтакасидаги интеграция жараёnlарини кўллаб-куvvatлади.

Шу ўринда, минтақавий интеграциянинг янада фаол тараккӣ этиши учун тўскинилик қилаётган баъзи салбий ҳолатларга ҳам тұхталып ўтиш ўринли бўлади. Жумладан, кўзга ташланадиган нарса шуки, минтақа давлатларининг баъзи раҳбарлари интеграция жараёнларини ривожлантиришга қаратилған турли ташабbusларни илгари суришмокда, аммо ўз сўзларини иш билан тасдиқлашга унчалик шошилмаяптилар ва ҳакиқий интеграция жараёнининг охими билан умуман алоқадор бўлмаган хомхаёл таклифлардан нарига ўтишмаяпти.

МДХ давлат раҳбарлари иштирокида ўттан сўнти саммит ҳам шуни кўрсатдики, гарчи баъзи давлат раҳбарлари интеграция тараккимётининг келажаги ҳакида оғзаки фикр билдиришса-да, иш жараёнида минтақанинг муаммоларини увудиб кўйишмокда. Антиминтеграция билан ўралашшиб қолаётгандиллари туғайли ташқилотнинг ички интеграцияси ва Марказий Осиё минтақаси билан боғлиқ, ахвол аяичли ҳолатта ташлаб кўйилмокда.

Интеграция ҳакида сўз юритганда, бу жараёнда иштирок этаёттан давлатлар учун кең имконият берилшини ҳам эътиборда тутиш керак. Аникроқ қилиб айтсак, ҳал-каро хужжатлар ва қонун хужжатларини тайёрлашда, жумладан, солисқ тўпланиш, босхона йиғимлари, транзит ҳаракати сингари масалаларда зидрак ва одил ёндашув зарур.

Энг аввало, аъзо давлатларнинг ўзаро яқдиллиги, баландпарвоз сўзлардан ҳакиқий очик ҳамкорликка ўтиш йўлидаги интилишлари ташқилотни ҳаракатта келтирувчи ва унинг самарадорличини белгиловчи асосий куч бўлмоги даркор. Бу эса минтақадаги интеграцияланув жараёниларини ҳалқларимиз манфаати йўлида ривожлантиришга хизмат қиласи.

МОХТ каби жиiddий ва муҳим ташкилот бўлган ЕГТБ-нинг келажаги ҳакида гапирганда, шуни унитмаслик керакки, факат баландпарвоз ташвиқотлар билан амалий иш ўринини босиши ва интеграциянинг янги босқиҷларига кўтарилиш мумкин эмас.

Шунингдек, интеграция сиёсатбозликка асосланган шахсий нафсониятни қондириш учун эмас, балки, аввало, халқларнинг ўзаро яқинлашуви, ижтимоий ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотлар ва минтақавий ҳамкорлик тараккӣ-ёти учун хизмат қилиши керак. Буларнинг барчаси минтақа халқларининг жаҳондаги глобал жараёнлар иштирокчилигига айланишига ва ҳаётий қундалик муаммоларини ўзлари ҳал қилишларига имкон яратади.